



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 25 январь, № 17 (5437)

Чоршанба

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

**П. Р. Бобононовни Хоразм вилояти ҳокими вазифасини бажарувчиси этиб тайинлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:

**Пўлат Раззақович Бобононов** Хоразм вилояти ҳокими вазифасини бажарувчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2012 йил 24 январь

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

**О. Х. Оллабергановни Хоразм вилояти ҳокими лавозимидан озод этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:

**Оллаберган Хаитбоевич Оллаберганов** Хоразм вилояти ҳокими лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2012 йил 24 январь

## ИШОНЧЛИ ПАРВОЗ, ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТ

Жорий йил 28 январь куни мамлакатимизда миллий авиакомпания ташкил этилганига 20 йил тўлади.

### Тадбир



Шу муносабат билан кеча пойтахтимизда матбуот анжумани ўтказилди. Унда тегишли ташкилот ва идоралар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, истиқлол йилларида мамлакатимиз ҳаво йўллари тизимида кенг қўламли ислохотлар, модернизация жараёнлари амалга оширилди. Бунда давлатимиз раҳбарининг 1992 йил 28 январдаги "Ўзбекистон Миллий авиакомпаниясини ташкил қилиш тўғрисида"ги Фармони муваффақиятларга эришишнинг муҳим дастуриламали бўлди.

Анжуманда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси тизимида рўёбга чиқарилган чора-тадбирлар натижасида замонавий талабларга тўлиқ жавоб берадиган инфратузилма шакллантирилгани, унинг моддий-техник базаси изчил такомиллаштирилиб, мустақамлашиб борилаётгани, айтиш мумкин ҳозирги даражада сервис ва техник хизмат кўрсатиш тизими барпо этилганига алоҳида урғу берилди.

**М. ҚОСИМОВ.**

# БАРКАМОЛ АВЛОД — ВАТАН ТАЯНЧИ

**Ҳисобот йилида таълим соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширган ишларимиз ҳақида гапирар эканмиз, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълимгача бўлган бўғинларда чуқур билим ва пухта касб-хунар тайёргарлигига эга бўлган ёш авлодни тарбиялаш жараёнини ўз ичига олган яхлит узлуксиз таълим тизимини шакллантириш ишлари изчил давом эттирилганини таъкидламоқчиман.**

**Олис ва чекка ҳудудларда касб-хунар коллежларининг 24 та филиалини ташкил этиш, фаолият юритаётган коллежлар қошида 18 та талабалар тураржойларини қуриш орқали умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларини касб-хунар таълими билан тўлиқ қамраб олиш бўйича қўшимча чора-тадбирларнинг қабул қилингани мазкур йўналишдаги муҳим қадам бўлди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан.

## Кадрлар тайёрлаш миллий дастури



• Республикаимизда янги типдаги **1537 та** ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасида ўғил-қизларимиз энг замонавий талаблар асосида ўқитилапти.

• 1998 — 2011 йилларда ўрта махсус ва касб-хунар таълими даргоҳларининг моддий-техник базасини мустақамлаш, замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникалари билан таъминлашга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **132,1 млрд.** сўмга яқин маблағ сарфланди.

• Охириги ўн уч йил давомида хорижий инвестиция лойиҳалари доирасида қарий **234 млн. 600 минг** АҚШ доллари миқдоридagi маблағ ўқув-лаборатория ва устaxonа жиҳозларини харид қилишга йўналтирилди.

• **1616** номдаги **7 млн.** нусхада нашр этилган дарслик ва ўқув қўланмалари, **131** номдаги электрон дарслик ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари базасида ташкил этилган ахборот-ресурс марказларига етказиб берилди.

...Чироқчида Мақсад момо деган онахон бор. Барча маҳалладошлари "Катта она" дея хурмат билан мурожаат этадиган момонинг ибратли ҳикояларини қайта-қайта эшитсанг-да, тўймайсан киши. Момо ҳар гал болалик йиллари ҳақида гапираркан, бугунги тинч ва фаровон кунларга етказганга шукрона айтиб, бу дамларни қадрлаш кераклигини бот-бот уқтирадидилар. Айниқса, ўғил-қизларнинг таълим-тарбия олиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрликлар тўғрисида тўлқинланиб сўзлайдилар, бундай эзгу ислохотлар бошида турган Президентимизни дуо қилдилар.

— Ҳеч эсимдан чиқмайди, латта сумкани қўлтиқлаганча ўқишга деб, кўрмисизгина бино томон йўл олардик, — дейди Мақсад момо. — Пастаккина хона, эски олдича... Шароит жуда огир эди. Ортада қолгани рост бўлсин. Мана, дориламон кунларга ҳам етдик. Биз кўрмаганга не-

вара-эвараларимиз етишди. Ажойиб қошоналарда билим олишга, одамнинг ҳаваси келади. Уларнинг бахтини кўриб, биз ҳам ич-ичимиздан қувонамиз.

Бундай самимий, дилдан чиққан илиқ сўзлардан англаш мумкинки, халқимиз фарзандларининг соғлом ва баркамол бўлиб воғга етаётганидан, жамиятда муносиб ўрнини топиши учун яратиб берилаётган беқиёс имкониятлардан беҳад мамнун. Зеро, буларнинг барчаси мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида ҳаётга татбиқ этилган "Ўзбек таълим модели", хусусан, унинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қатор ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар самарасидир, албатта.

Юртбошимиз "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарига таъкидлаб ўтганидек, "Истиқлол даврида барча шарт-



Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежида замонавий таълим олиш учун барча шарт-шароит яратилган.

## Келажакка сармоя

Барчамизга аёнки, бугунги глобаллашув даври таълимга эътиборни ҳар қачонгидан-да кучайтириши тақозо этмоқда. Бироқ жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида айрим мамлакатлар таназзулдан қутилиш ёки унинг асоратларини юмшатиш мақсадида ижтимоий соҳаларга, хусусан, таълим тизими ривожига йўналтирилган маблағлар ҳажмини қисқартиришга қўл урмоқдалар.

Айтиш кераки, юртимизда таълимга капитал — буюк келажак ва ёрқин истиқболга инвестиция тамойили асосидаги ислохотлар, аксинча, кенг миқёсда давом эттирилди. 2012 йилда ҳам бу борадаги ишлар янада жадаллаштирилиши белгиланди. Давлат бюджетининг 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга ажратилиши, аксарият қисми эса соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият тармоқларини юксалтиришга қаратилиши кучли ижтимоий сиёсатимизнинг яна бир янги жиҳатидир.

— Ёшларимизнинг ўқиб илм олишлари учун йилдан-йилга кенг имкониятлар яратилмоқда. Республикаимизда янги типдаги 1537 та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасида ўғил-қизларимиз энг замонавий талаблар асосида ўқитилапти, — дейди Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директорининг биринчи ўринбосари Хайрулла Зикриллаев.

Дарҳақиқат, ўрта махсус ва касб-хунар таълими даргоҳларининг моддий-техник базасини мустақамлаш, замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникалари билан таъминлашга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 1998 — 2011 йилларда 132,1 млрд. сўмга яқин маблағ сарфланди. Шу давр мобайнида хорижий инвестиция лойиҳалари доирасида қарий 234 млн. 600 минг АҚШ доллари миқдоридagi маблағ ўқув-лаборатория ва устaxonа жиҳозларини харид қилишга йўналтирилди.

Қолаверса, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун зарур 1616 номдаги 7 млн. нусхада нашр этилган дарслик ва ўқув қўланмалари, 131 номдаги электрон дарслик зиё мақсаллари базасида ташкил этилган ахборот-ресурс марказларига етказиб берилди.

2-бетга қаранг.

## Оила мустақамлигининг муҳим манбаи

**Истиқлол шарофати билан одамлар эркин касб танлаш, ўқиш, ижод қилиш имконига эга бўлди. Бинобарин, кимдир янги корхона очиб, ишлаб чиқариш пайдидан бўлмоқда, яна кимдир яқка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият юритиб, хунарандчилик, савдо ёки хизмат кўрсатиш билан шуғулланапти.**

### Концепция: устувор вазифалар

Маълумки, бизнес бир ёки бир неча шахснинг гоёси асосида шаклланади ва ҳаётга татбиқ этилади. Мазкур жараён аҳолига сифатли маҳсулотлар етказиб бериш, юқори даражада сервис хизмати кўрсатиш, демакки, эл фаровонлигига ҳисса қўшишга қаратилган билан катта аҳамиятга эга. Юртимизда бундай эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришга қаратилган барча шарт-шароит муҳайё этилган.

Тараққийнинг "ўзбек модели" самаралари ўларок, мамлакатимиз глобал молиявий-

шу асосда мамлакатда охириги 5-6 йил давомида иқтисодиёт барқарор юқори суръатлар билан ривожланаётгани алоҳида таъкидлангани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган гоё, тақлифлар ҳамда қонунчилик ташаббуслари бу борада қўлга киритилаётган муваффақиятларни мустақамлаш, тараққийнинг янги босқичларига эришиш имконини беради, албатта. Зотан, ушбу дастуриламал ҳужжатда демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришга оид долзарб вазифалар белгилаб берилган.

(Давоми 2-бетда).

## Дунё нигоҳи

**Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг бой тарихий ва маданий меросига, шунингдек, сайёҳлик салоҳиятига Германия жамоатчилигининг қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Мазкур мамлакатнинг турли нашрларида юртимиз сайёҳлик индустриясининг бугунги тараққийига бағишланган кўплаб мақолаларнинг чоп этилаётгани бунга яққол мисол бўла олади.**

## НЕМИС САЙЁҲЛИК НАШРЛАРИ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ҲАҚИДА

Масалан, яқинда Германиянинг "Wörlitz Tourist" сайёҳлик компанияси томонидан нашр қилинадиган "KulTourgen 2012" журналинда "Ўзбекистон: Буюк Ипак йўли бўйлаб" сарлавҳали мақола чоп этилди. Унда Шарқ ва Ғарб цивилизацияларининг ривожланиши ҳамда бир-бирини бойитишида Буюк Ипак йўлининг аҳамияти ҳақида атрофлича фикр юритилди. "Узоқ ўтмишда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан Буюк Ипак йўли бўйлаб туя қарвонлари ўтгани

қадим ва гўзал Самарқанд ҳамда Бухоронинг нақшикорлик санъати намуналаридан ўз аксини топанган", дея ёзилади немис нашрида. Мақолада таъкидланишича, бепоеён Қизилқум саҳроси ва гуллаб-яшнаётган воҳа шаҳарлари ўртасидаги кескин фарқлар, шунингдек, юртимизнинг ранг-баранг маданияти, бетакрор табиати дунёнинг барча нуқта-нуқталаридан сайёҳларни ўзига жалб қилиб келади. Германия заминидан чоп этиладиган нашрлардан яна бири —

"Orient" журналинда эълон қилинган "Марко Поло изидан Буюк Ипак йўли бўйлаб" сарлавҳали мақолада ҳам Ўзбекистондаги тарихий шаҳарларнинг ўзига хос жиҳатлари қаламга олинган.

Мақолада қайд этилишича, "Қадимги Буюк Ипак йўлининг тарихий шаҳарлари — Шарқнинг

энг гўзал масжиди қарор топанган Самарқанд, миноралари қачонлардир саҳродан ўтаётган қарвонлар учун маёқ вазифасини бажарган Бухоро, бугунги кунгача яхши сақланиб қолган, ноёб тарихий й-мёморий ёдгорликларга эга Хива ҳамда гўзал эски шаҳар ва гажум Чорсу бозори билан машҳур Ўзбекистон пойтахти — азим ва замонавий Тошкент — буларнинг барчаси гўё бир ипга тизилган марваридлардир".

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## САНОАТИМИЗ САЛОҲИЯТИ ТОБОРА ЮКСАЛМОҚДА

2011 йили мамлакатимизда саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши

**6,3** фоизни ташкил қилди.

Иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришлари туфайли иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан бирига айланган машинасозлик ва автомобилсозлик, кимё ва нефть-кимё, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари, фармацевтика ва мебелсозлик саноатида барқарор ривожланиш суръатлари сақланиб тургани соҳада ана шундай юксак ютуққа эришиш имконини берди.

# БАРКАМОЛ АВЛОД — ВАТАН ТАЯНЧИ



Самарқанд автомобилсозлик коллежида «Устоз — шогирд» анъанаси изчил йўлга қўйилган.

## Коллеж ва корхона ҳамкорлиги

— “Ўқиб, билим оламан, касбу кор эгаллайман”, деган ёшлар учун барча шарт-шароит муҳайё этилган, — дейди Паркент тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқитувчиси Уғилой Иноғомова. — Юртбошимиз 2011 йилнинг асосий якуналари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда коллеж — корхона муносабатларини раванқ топтириш масаласида яна бир бор жонқурлик билан гапирдилар. Фарзандларимиз жамиятда муносиб ўринларини топишлари учун ҳаракат қилишимиз лозимлигини таъкидладилар.

Умуман, ушбу устувор вазифа ижросини тизимли таъминлаш мақсадида Президентимиз кўрсатмаси билан 2011 йилда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш жараёнини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш учун тегишли вазирилик ҳамда идоралар мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ тузилган эди. Шу асосда республикамизнинг барча ҳудудларида битирувчилар бандлигини таъминлаш бўйича штаблар тузилиб, ҳар ҳафтадан пайшанбаси — “Касб-хунар коллежлари куни” деб белгиланди. Айни чоғда касб-хунар коллежларининг ҳар бир битирувчиси тўғрисида тўлиқ маълумотлар

базасида компьютер дастури ёрдамида шакллантирилиб, ахборотларни тезкор таҳлил қилиш йўлга қўйилди.

Хусусан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, ҳўжалик бирлашмалари ва корхона раҳбарлари билан биргаликда “2010/2011 ўқув йилида касб-хунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликларига мувофиқ иш билан таъминлашга, уларни аниқ иш ўринларига бириктиришга доир чора-тадбирлар комплекси” ишлаб чиқилди.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, 2010/2011 ўқув йилида коллежларни тамомлаган 430,3 минг нафар битирувчи иқтисодиёт тармоқларидаги 127,4 мингта корхонага бириктирилди. Бунга уйғун тарзда санаят, қурилиш, транспорт, коммунал хўжалиги ва хизмат кўрсатиш корхоналари, соғлиқни сақлаш ва таълим муассасалари, фермер хўжаликлари ва бошқа турли ташкилотлар билан амалиёт ўташ ҳамда кейинчалик ишга жойлаштириш мақсадида уч томонлама шартномалар тузилди.

2011 йил якунига кўра, 390 мингдан ортиқ битирувчи бандлиги таъминланди. Уларнинг аксарияти муҳандислик, ишлов бериш тармоқлари, қурилиш, сервис ва хизмат кўрсатиш, ижтимоий, бизнес ва ҳуқуқ соҳаларида фаолият юритмоқда.

● 2010/2011 ўқув йилида коллежларни тамомлаган **430,3 минг нафар** битирувчи иқтисодиёт тармоқларидаги **127,4 мингта** корхонага бириктирилди.

● 2011 йилда 390 мингдан ортиқ битирувчи иш билан таъминланди.

● Битирувчиларнинг ўз ишини ташкил этишларида кўмаклашиш мақсадида тижорат банклари томонидан **21 млрд. сўмдан** ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилди ва **10 мингдан** зиёд ёшлар ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйдилар.

● Истиқлол йилларида ёшларимиз томонидан халқаро фан олимпиадаларида **20 та олтин, 49 та кумуш, 88 та бронза медали** ва **100 дан** ортиқ дипломлар қўлга киритилди.

## Истеъдод ва беқиёс имкониятлар

— Бугунги кун ёшлари интилувчан ва изланувчанлиги билан ажралиб туради, — дейди қибрайлик таниқли хунарманд Шўхрат Юсупов. — Ўзимдан қиёс, фарзандларим Шавкат ва Ибрагим касб-хунар коллежларини битириб ёнимга кирди. Тўнгич ўғлим ўз ижодий ишлари билан халқаро кўргазмаларда мунтазам қатнашиб, аъло баҳоларга сазовор бўлиб келмоқда. Кенжаси эса “Келажак овози” кўрик-танловининг амалий санъат йўналиши бўйича республика босқичида муваффақиятли қатнашди. Яна бир қувонарли жиҳати, ака-ука иккаласи миллий кадриятларимиз — зардўзлик, тикувчилик, каштачилик, ёғоч ўймакорлиги, заргарлик, хунармандчилик, миниатюра, наққошликни янада ривожлантиришга қаратилган бизнес лойиҳани бамаълаҳат ишлаб чиқиши. Бундай ташаббусни биз ҳам қўллаб-қувватладик. Ўзлари мустақил ҳаракат қилиб, ёш тадбиркорлар учун

яратилган кенг имкониятлардан фойдаланиб, банкдан имтиёзли кредит олишди. Улардаги қатъият, ўзларига бўлган ишончли кўриб, қувондим.

Шу ўринда айтиш керакки, республика бўйича битирувчиларнинг ўз ишини ташкил этишларида кўмаклашиш мақсадида тижорат банклари томонидан 21 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилиб, 10 мингдан зиёд ёшлар ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Тадбир-

корликнинг кенг қанот ёйишида, айниқса, Андижон, Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари ёшлари алоҳида ўрнатилган кўрсаткичларда. Шу билан бирга, “Микрокредитбанк”, Савдо-саноат палатаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорликда “Ёш тадбиркор — юртга мададкор”, “Менинг бизнес гоём” каби мавзуларда турли семинар ва кўрик-танловлар ташкил этиш аънанаси ҳам ўқувчиларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилмоқда.



Буюк келажакимизнинг ворислари.

## Истиқболга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар

— Олдимизда турган муҳим масалалардан бири, бу — келгуси йилларда битирдиган ёшларимизни ҳозирдан аниқ иш ўринларига бириктириш ва амалиётларини самарали ташкил этиш орқали ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришни таъминлаш ҳисобланади, — дейди Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази бошқарма бошлиғи Одил Абдураҳмонов. — Бу борада тегишли вазирлик ва идоралар билан Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамкорлигида корхона, коллеж ва битирувчи ўртасидаги уч томонлама шартноманинг ишлаш механизмларини такомиллаштириш, корхоналарнинг эҳтиёжлари асосида кадрлар тайёрлаш бўйича тақдиротлар ҳамда учрашувлар уюштирилди. Айни чоғда 2011 — 2014 йилларда касб-хунар коллежлари ва корхона, ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш чора-тадбирлар дастурлари тасдиқланди.

Пировардида кадрлар тайёрлаш сифат даражасини ошириш ва уларни кейинчалик ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш борасида томонларнинг вазибалари белгилаб олинди. Шунингдек, касб-хунар коллежларининг моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида вазирилик, идора ва ҳўжалик бирлашмалари томонидан маблағлар ажратилиши, махсус фан ўқитувчилари ҳамда ишлаб чиқариш усталари бевосита вазирилик, идора ва ҳўжалик бирлашмаларининг нуфузли корхоналарида қисқа муддатли малака ошириш (стажировка)га жалб этилишига келишилди. Буларнинг барчаси 2011/2012 ўқув йилида касб-хунар коллежларини тамомлайдиган ёшларга зарур қулайликлар яратишда муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

**С. МАХСУМОВ, Ш. ШАРАПОВ (сурат), Ҳ. ПАЙДОЕВ (сурат)**  
«Халқ сўзи» мухбирлари.

## Ифтихор ифодаси

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшлар сийосатининг устувор мақсадларидан бири, шубҳасиз, маънан баркамол, жисмонан соғлом авлодни вояга етказишдир. Эроз, Президентимиз таъкидлаганидек, биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик ҳўкмиронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англа олмас, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмас — бундай давлат ҳақон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар.

Шу боис ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимида ҳам айнан мазкур жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада ўзбек ёшлари халқаро фан олимпиадаларида ўзларига билдирилган ишончли юксак даражада оқлаб, ҳеч кимдан кам эмасликларини исботлаб келмоқдалар. Ўтган қисқа даврда вакилларимиз Жанубий Корея, АҚШ, Япония, Россия, Синга-

пур, Таиланд, Испания, Шотландия ва бошқа мамлакатларда математика, кимё, биология, физика, информатика каби фанлар бўйича ўтказилган нуфузли олимпиадалар, ижодий беллашувларда фаол қатнашиб, юқори натижаларни қайд этдилар.

Улар томонидан 20 та олтин, 49 та кумуш, 88 та бронза медали ва 100 дан ортиқ дипломлар қўлга киритилгани фикримиз тасдиғидир. Шунга уйғун тарзда 2008 йилда Тошкент шаҳрида кимё фанидан 42-халқаро Менделеев олимпиадаси юқори савияда ташкил этилди. Унда ўқувчиларимиз биттадан олтин ва кумуш, иккита бронза медалини қўлга киритишди.

— Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида Москва шаҳрида бўлиб ўтган 45-халқаро Менделеев олимпиадасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш бахти насиб этди, — дейди Тошкент педиатрия тибби-

ёт институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Дилафрўз Фаниева. — Унда давлатимиз томонидан билдирилган катта ишончга муносиб бўлишга ҳаракат қилдик. Интилишларимиз бесамар кетмади. Якунда мен кумуш, лицейдошим Ҳамидулла Тўхтаев бронза медалига ва яна сақкиз нафар ўқувчимиз рағбатлантириш дипломларига сазовор бўлдик.

Президентимизнинг лицей ва коллежлардаги ўқувчиларга нисбатан “Бизнинг ишимизга кимки баҳо бермоқчи бўлса, ана шу ёшларга, уларнинг онги ва дунёқарашига боқсин”, деган ҳароратли сўзлари ҳаммаша янги муваффақиятларга чорлайди. Юртбошимиз раҳнамолигида яратилган самарали таълим модели ва унинг имкониятлари ёшларимизни янгидан-янги доволарни забт этишга даъват этаверади.

## Ислоҳот

Навоий — мамлакатимизнинг саноати ривожланган вилоятларидан бири ҳисобланади. Бу ердаги йирик корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотлар бугун дунёнинг турли мамлакатларига экспорт қилинаёпти. Жумладан, Навоий кон-металлургия комбинати, “Навоийгазот”, “Кизилқумцемент” очик акциядорлик жамиятлари, “Baxt-textile” масъулияти чекланган жамияти, “Навоий — Корея Республикаси” кўшма корхоналари... Бу рўйхатни яна узок давом эттириш мумкин.

Айтиш жоизки, Президентимизнинг 2008 йил 2 декабрдаги “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони ҳудуд иқтисодий салоҳиятининг янада юксалишида муҳим омил бўлди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Малик чўлининг яйдок бир бўлаги улкан бунёдкорлик майдонига айланди. Ҳозир бу ерда тўлиқ қувват билан ишлаётган 12 та корхонада 700 дан зиёд киши меҳнат қилмоқда.

— Корхонамиз бундан икки йил муқаддам Хиндистоннинг “Minda Capital LTD” компанияси ҳамда “Узавтосаноат” акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилганди, — дейди “УзМинда” кўшма корхонаси бош директори Нодир Раҳимов. — Якунланган йилда асакалик автомобилсозларга 2,07 миллиард сўмлик турли бутловчи қисмлар ҳамда хавфсизлик тизими усуналарини етказиб бердик. Жорий йилдан бошлаб эса маҳсулотларимизни экспорт қилиш ниятидамиз.

Айни пайтда корхонада хиндистонлик сармоядорларнинг 500 минг АҚШ долларлик инвестицияси эвазига янги лойиҳа амалга оширилмоқда. У рўёбга чиқарилиши билан маҳсулотлар тури кўпайиб, ўнлаб янги иш ўринлари яратилади.

амалга оширилмоқда. У рўёбга чиқарилиши билан маҳсулотлар тури кўпайиб, ўнлаб янги иш ўринлари яратилади.

## ИНВЕСТИЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида “Telecom Innovation” кўшма корхонаси фаолияти йўлга қўйилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. “ZTE Singapore international Pte Ltd” компаниясининг 653 минг 294 АҚШ долларлик сармоясига эвазига барпо этилган мазкур кўшма корхонада айни пайтда рақамли телевидение сигналларини қабул қилувчи курилмалар тайёрланмоқда. Эътиборлиси, “Telecom-Innovation” ўз маҳсулотлари билан мамлакатимизда телекоммуникация тизимининг жадал ривожланишига муносиб ҳисса қўшаётир.

— Бугун вилоятда хорижий сармоядорлар иштирокида 50 дан зиёд корхона самарали фаолият кўрсатмоқда, — дейди вилоят Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси бошлиғи Наим Ниёзов.

— Улар томонидан озик-овқат, нефть-газ, машинасозлик, кимё, фармацевтика, рангли металлургия, электронтехника маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Дарҳақиқат, юртимизда хорижий инвесторлар учун қулай муҳит яратилиб, уларнинг эркин фаолият юритиши учун имтиёзлар берилиши дунё ишбилармонларининг мамлакатимизга қизиқшини орттирмоқда. Айни пайтда АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Россия, Эрон, Хиндистон, Канада, БАА, Швеция, Латвия, Нидерландия, Сингапур каби мамлакатлар сармоядорлари вилоятдаги ишлаб чиқариш тармоқларига ўз инвестицияларини киритишмоқда.

Таъкидлаш керакки, худудий инвестиция дастурига мувофиқ, 2011 йилда вилоятда ички ва ташқи манбалар ҳисобидан умумий қиймати 32,5 миллион АҚШ долларлик 159 та лойиҳа ҳаётга таъбиқ этилди. Янги ташкил қилинган кичик корхоналар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, якунланган йилда 10,8 миллиард сўмга етди. Шунингдек, биргина кичик корхоналар 134 минг АҚШ долларлик маҳсулотини ташқи бозорга қарқарди.

Мухтасар айтганда, ҳозир Навоийда инвестицияларни жалб этишда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилапти. Бу эса иқтисодий мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

**А. ЗАРИПОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Оила мустақкамлигининг муҳим манбаи

(Давом. Бошланиш 1-бетда).

Хусусан, бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Боиси тадбиркорликнинг бу шакли миллий аънаналаримиз билан тўла муштаракдир. Қадим-қадимдан диёримизда хунармандлар, ошпазлар, қандолатчилар, пичоқчилар, кулолар, чилангарлар оилалари ўз касбу корларини юритишган. Қолаверса, мазкур бизнес ҳўжалик юритиш фаолиятининг ҳозирги ҳолатига тўла мос кела-

ди. Бу борада тегишли механизмлар яратилса, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтиришга, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланишига ҳамда янги иш ўринларининг очилишига шариоит туғилади.

Яқинда Олий Мажлис Қонунилик палатасига киритилган “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонун лойиҳаси айнан шу мақсадларга хизмат қилади. Яъни бу қонуннинг кучга кириши оилаларда тадбиркорликнинг янги қирраларини кашф этиш, улар фаровонлигини янада юксалтириш, аҳоли бандлигини таъминлашда аниқ мудадоир.

Барчамизга аёнки, оилавий бизнес тикувчилик, новвоилик, чорвадорлик, деҳқончилик каби авлоддан-авлодга ўтадиган касбдир. Буларнинг баъзи бир турлари аниқ бино ва дастгоҳларни талаб ҳам қилмайди. Лекин мазкур йўналишдаги фаолиятнинг аксарияти оиланинг бир вакили номига олинган “Якка тартибдаги тадбиркор” мақоми билан ишлаб келяпти. Бунинг натижасида меҳнатга лаёқатли баъзи оила аъзоларининг кундалик жараёндаги иштироки ёки ишлаб чиқара-бўйича ҳуқуқий механизмларнинг узвий давомига айланади.

лиш тақозо этилаётганини кўрсатади. Тегишли ҳуқуқий асоснинг яратилиши бизнеснинг янги шакли раванқ топишида муҳим омилга айланиши шубҳасиз. Дeyлик, иккита тикувчилик машинаси ёки хонадондаги тандирдан он ёпиш билан бошланган бизнес йирик тикувчилик ёки замонавий нон цехига айланиб кетишидан ҳеч ҳам ажабланмаймиз.

Айнан шу эзгу мақсад мезонлари “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонун лойиҳасида кўзда тутилган моддаларда ўз ифодасини топишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, Президентимиз томонидан 2012 йилнинг “Мустақкам оила йили” деб эълон қилиниши бу борадаги чора-тадбирлар самарадорлигини янада ошириш имконини беради. Шунга мос тарзда, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам мамлакатимизда оила институтини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича ҳуқуқий механизмларнинг узвий давомига айланади.

**Ш. АМОНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунилик палатаси депутати.

## НЕМИС САЙЁҲЛИК НАШРЛАРИ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ҲАҚИДА

(Давом. Бошланиш 1-бетда).

Яна бир нашр — Германиянинг энг йирик савдо тармоқларидан бири бўлган “Lidl” компаниясининг сайёҳлик ахборотномаси ҳам яқинда Ўзбекистон манзаралари акс этган суратлар билан бирга, юртимиз ҳақидаги муфассал ахборотларни чоп этди. Айтиш лозимки, “Lidl” компанияси 10 йилдан ортиқ вақт мобайнида ўз мижозларига юқори сифатли хизмат кўрсатиб ке-

лаётгани ҳолда, дунё мамлакатлари бўйлаб саёҳатга тақлиф қиладиган турли сайёҳлик компаниялари билан ҳам муваффақиятли ҳамкорликни йўлга қўйган.

Бундан ташқари, Германияда чоп этиладиган “Саёҳатлар ва денгиз сайрлари” номли нашрнинг махсус сониди ҳам 2012 йилда Ўзбекистон бўйлаб бир ҳафталик баҳорги ва ёзги саёҳат йўналишлари тақлиф қилинган. Унда сайёҳлар учун Тошкент, Самарқанд,

Бухоро ва Шаҳрисабз каби тарихий шаҳарларни ўз кўзи билан кўриш имкониятлари атрофлича қаламга олинган.

Мазкур нашрларнинг барчасида Ўзбекистон ва унинг табиий иқлим ҳусусиятлари ҳамда ўзига хосликлари ҳақидаги, шунингдек, сайёҳлар учун асқотадиган бошқа қўллаб маълумотлар ўз ифодасини топган.

**«Жаҳон» АА,**  
Берлин

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ БУХОРО ФИЛИАЛИ

барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда ҳуқуқий тадбиркорларни очиқ танлов савдоларига тақдир этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарорига мувофиқ, Пешку тумани ҳокимининг 2011 йил 10 сентябрдаги 421-сонли қарорига асосан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун жимсионий ва юридик шахсларга куйидаги ер майдонларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи танлов савдоларига қўйилмоқда:

- 1. Пайнет биноси қуриш учун Пешку тумани, «Чибогони» ҚФЙ, Дегдавои қишлоғи ҳудудида жойлашган, 60 кв.м.дан иборат 1 дона ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 18 744 сўм.
2. Савдо дўкони биноси қуриш учун Пешку тумани «Чибогони» ҚФЙ, Дегдавои қишлоғи ҳудудида жойлашган, 80 кв.м.дан иборат 1 дона ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 24 992 сўм.
3. Умумий овқатланиш шохбаси биноси қуриш учун Пешку тумани, «Чибогони» ҚФЙ, Дегдавои қишлоғи ҳудудида жойлашган 120 кв.м.дан иборат 1 дона ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 37 488 сўм.
4. Навойихона биноси қуриш учун Пешку тумани, «Чибогони» ҚФЙ, Дегдавои қишлоғи ҳудудида жойлашган, 100 кв.м.дан иборат 1 дона ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 31 240 сўм.
5. Сартарошхона биноси қуриш учун Пешку тумани «Варахшо» ҚФЙ, Шавгон қишлоғи ҳудудида жойлашган, 32 кв.м.дан иборат 1 дона ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 9 996,80 сўм.
6. Гўзаллик салони биноси қуриш учун Пешку тумани, «Варахшо» ҚФЙ, Шавгон қишлоғи ҳудудида жойлашган, 33 кв.м.дан иборат 1 дона ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 10 309,20 сўм.
7. Тикувчилик цехи биноси қуриш учун Пешку тумани, «Варахшо» ҚФЙ, Шавгон қишлоғи ҳудудида жойлашган, 77 кв.м.дан иборат 1 дона ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 24 054,80 сўм.
8. Пойабзал таъмирлаш устaxonаси биноси қуриш учун Пешку тумани, «Варахшо» ҚФЙ, Шавгон қишлоғи ҳудудида жойлашган, 32 кв.м.дан иборат 1 дона ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 9996,80 сўм.
9. Эҳтиёт қисмлар савдо дўкони биноси қуриш учун Пешку тумани, «Варахшо» ҚФЙ, Шавгон қишлоғи ҳудудида жойлашган, 33 кв.м.дан иборат 1 дона ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 10 309,20 сўм.
10. Савдо дўкони биноси қуриш учун Пешку тумани, «Варахшо» ҚФЙ, Шавгон қишлоғи ҳудудида жойлашган, 40 кв.м.дан иборат 1 дона ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 12 496 сўм.
11. Савдо дўкони биноси қуриш учун Пешку тумани, «Варахшо» ҚФЙ, Шавгон қишлоғи ҳудудида жойлашган, 32 кв.м.дан иборат 1 дона ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 9 996,80 сўм.
12. Савдо дўкони биноси қуриш учун Пешку тумани, «Варахшо» ҚФЙ, Шавгон қишлоғи ҳудудида жойлашган, 33 кв.м.дан иборат 1 дона ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 10 309,20 сўм.
13. Савдо дўкони биноси қуриш учун Пешку тумани, «Варахшо» ҚФЙ, Шавгон қишлоғи ҳудудида жойлашган, 77 кв.м.дан иборат 1 дона ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 24 054,80 сўм.
14. Сартарошхона биноси қуриш учун Пешку тумани «Варахшо» ҚФЙ, Шавгон қишлоғи ҳудудида жойлашган, 32 кв.м.дан иборат 1 дона ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 9 996,80 сўм.
15. Гўзаллик салони биноси қуриш учун Пешку тумани «Варахшо» ҚФЙ, Шавгон қишлоғи ҳудудида жойлашган, 33 кв.м.дан иборат 1 дона ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 10 309,20 сўм.
